TOSHKENT HAQIQATI

HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

Viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

2024-yil 9-noyabr / SHANBA / № 89 (13748)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

З.Т.МИРЗАЕВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА


Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Зойир Тоирович Мирзаев** Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 6 ноябрь

“Тошкент ҳақиқати” минбари

Юрт ободлиги ва халқ розилиги... Бу ҳамоҳанглик халқимизнинг асрий орзу-интилишлари рўёбга чиққан, инсон манфаатлари йўлидаги ислоҳотлар қизғин паллага кирган бугунги кунда янада муҳимроқ аҳамият касб этмоқда.



Одилжон АТАУЛЛАЕВ,
Янгийўл тумани ҳокими



ЯНГИЙЎЛ ва МАНЗИЛЛАР

Бугун юртдошларимиз нигоҳида ҳаётдан розилик ва эртанги кунга мустаҳкам ишончни кўрмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, ҳар бир фуқаро жамият ҳаётининг барча жабҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини, хусусан, аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифати таъминланаётганини ўз турмуши мисолида кўриб турибди.

4

Вилоят бўйлаб

БЎСТОНЛИҚ туманида яна бир ГЭС ишга тушди. Қуввати 1,48 МВт. бўлган «Угам-1» кичик ГЭСи йилига 11,8 млн. кВт. соат экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқаради. Лойиҳа қиймати 4,2 миллион доллар бўлиб, хитойликлар билан ҳамкорликда амалга оширилган.



ЎРТА ЧИРЧИҚ туманининг "Дўстлик" маҳалласилик Мажид Мабусаев ҳоким ёрдамчисининг тавсияси билан 100 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, гидропоника усулида қулупнай етиштиришни йўлга қўйди.



ПАРКЕНТ туманининг "Чотқол" маҳалласи ҳудудида Ички ишлар вазирлиги қоровул қўшинлари ҳарбий қисми учун ўқ отиш полигони ташкил этилади.



Шунингдек, ҳудудда жойлашган муҳандислик тармоқларини сақлаб қолиш белгиланди.

Вилоят "Агрохизмат маркази" МЧЖ бош мутахассиси Б.Алимқулов иштирокида **ЗАНГИОТА туманининг** "Токзор" маҳалласидаги томорқалар ўрганилди. Жараёнда томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, экин турларини алмашиш, зараркунандаларга қарши курашиш, шунингдек, суғориш тизимларини тўғри ташкил этиш каби муҳим тавсиялар берилди.



БЕКОБОД туманида ҳоким ёрдамчилари кўмагида аҳолини тадбиркорликка жалб этиш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, “Истиқлол” маҳалласида 18 та 100 миллион сўмлик кредит ажратилиб, янги иш ўринлари яратилди.



ЯШНАЁТГАН ЮРТНИНГ “ЯШИЛ БЕЛБОҒ”ЛАРИ



Муносабат

Табиатни асраш – бугунги кундаги энг долзарб масала эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Негаки, деярли ҳар куни дунёнинг турли нуқталаридан экология билан боғлиқ муаммолар ҳақида эшитамиз. Юртимизда ҳам табиатни асраш, унга зарар етказмаслик, экология ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш энг муҳим вазифага айланган.

2

Ярмарка

САНОАТЧИЛАР УЧУН ИМКОНИЯТЛАР МАЙДОНИ

Икки кун давомида Янгийўл туманининг “Тинчлик” кичик саноат зонасида “Ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркаси” бўлиб ўтди.



Мазкур ярмарка йирик тармоқ корхоналарига маҳаллий кичик ва хусусий бизнес корхоналари томонидан импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни етказиб беришда кооперация алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилди.

2

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг Еттинчи чақириқ биринчи сессияси бўлиб ўтди.



Сессияни Тошкент вилояти ҳудудий сайлов комиссияси раиси У.Тўхтаев бошқарди.

Комиссия раиси дастлаб жорий йилнинг 27 октябрида ўтказилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови натижалари ҳақида ахборот берди.

Хусусан, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига 60 та сайлов округи бўйича Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ўзбекистон Экологик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан сайланган депутатлар ва уларни рўйхатга олингани, депутатлик гувоҳномаси ва нишони топширилгани қайд этилди.

Кун тартибига мувофиқ Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши раисини сайлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Депутат Сайёра Файзиева Кенгаш раиси этиб сайланди.

Шундан сўнг, сессияни Кенгаш раиси бошқарди ва Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган депутатларнинг сиёсий партиялар гуруҳларини рўйхатга олиш тўғрисида, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг регламенти ва доимий комиссиялари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Сессияда Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тавсия этилган номзодни тасдиқлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Амалдаги қонунчиликка асосан вилоят ҳокими лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилади ҳамда ушбу номзод бўйича партия гуруҳлари билан маслаҳатлашув ўтказилади.

Сессияда қисқа танаффус эълон қилиниб, Президент вакили ҳар бир партия депутатлик гуруҳи билан учрашди.

Шундан сўнг Президент вакили вилоят ҳокими лавозимига Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимномаси бўйича Зойир Мирзаев номзоди кўрсатилганини билдирди.

Номзод депутатларга ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг истиқболига мўлжалланган ўз дастурини тақдимот қилди. Унда келгуси йилларда Тошкент вилоятининг барча жабҳалари бўйича амалга ошириладиган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Хусусан, жорий йил октябрь ойида давлатимиз раҳбарининг ҳудудга ташрифи чоғида берилган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Партиялар депутатлик гуруҳлари вакиллари номзод юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, фаол қўллаб-қувватлашди.

Сессияда Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг тегишли қарори билан Мирзаев Зойир Тоирович Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тасдиқланди.

Сессияда Президент маслаҳатчиси Ғофуржон Мирзаев сўзга чиқди.

Жалолиддин ЭСОНОВ олган сурат

Ҳалқ ҳаёти – энг катта мактаб



3



Ҳурматли газетхон!

“Тошкент ҳақиқати” газетасига 2025 йил учун обуна бўлишни унутманг.

Обуна – 2025

Хонадонингиз ва идорангизга йил бўйи ҳафтада икки марта – чоршанба ва шанба кунлари кириб бориб, Сизни зериктириб қўймасликка, яқин маслакдош бўлишга кафолат берамиз!
Унутманг, оилада мутолаа маданияти газета ўқишдан бошланади!

Нашр кўрсаткичи – 205.

САНОАТЧИЛАР УЧУН ИМКОНИЯТЛАР МАЙДОНИ



Шунингдек, ярмарка “Металлургия, кимё саноати, электроэнергетика, электротехника, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги техникалари”ни ишлаб чиқариш соҳаларига ихтисослашган тармоқ ва ҳудудий корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини янада мустаҳкамлаш билан бирга кичик бизнес субъектлари учун ҳам катта имкониятлар эшигини очди.

Унда 10 та тармоқ ва вазирликлар ҳамда республиканинг барча ҳудудларидан корхоналар ўз маҳсулоти билан қатнашди. Жумладан, Тошкент вилоятидаги 242 та корхона ўзининг 1,2 минг турдан ортиқ маҳсулоти билан, шунингдек, мамлакатимизнинг бошқа вилоятларидан эса 50 га яқин корхона вакиллари иштирок этди.

Очилиш маросимида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев сўзга чиқиб, тадбиркорлар фаолиятига ривож тилади. Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан иқтисодиёт тизимини либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, саноат тузилмасини диверсификация қилиш, экспортни қўллаб-қувватлаш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишларига айланди.

Тошкент вилоятида ҳам ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш, импортни оптималлаштириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони 1 минг 700 тани ташкил этади.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)









Хусусан, 2024 йил якуни билан 125 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши кутилмоқда. Шундан 116 таси янги лойиҳалар, 60 таси мавжуд ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ҳисобига янги маҳсулотлар ўзлаштирилди.

Вилоятда сўнгги уч йилда маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми 759 миллиард сўмдан 3,9 триллион сўмга, қарийб беш баробарга ўсган.

Икки кунлик тармоқлараро саноат ярмаркасининг ўзига хос томони шунда бўлдики, қатнашчилар Тошкент вилояти ва мамлакатимизнинг истиқболли маҳсулотлари билан тўлиқ танишишди.

– Ярмаркада “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти таркибидаги 10 дан ортиқ корхоналар 300 турдан зиёд маҳсулотларини намойиш қилишди, – дейди ташкилот бўлим бошлиғи Абдуҳамид Саломов. – Хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан кооперация шартномаларини тузиш бўйича келишувлар имзоладик.

– Корхонамиз 2023 йили иш фаолиятини бошлаган, – дейди Олмалиқ қуюв механика заводи раҳбари Ҳусайн Ширинов. – Ҳозирда 172 иш ўрни яратдик. Бизда асосан оғир тоғ-кон саноати техникалари учун 40 турдан зиёд импорт ўрнини босадиган эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади. Улар асосан ОКМК тизимидаги корхоналарга етказиб берилмоқда. Шу билан бирга, Россия, Беларусь, Қозоғистон каби давлатлардаги ҳамкорларимиз билан маҳсулотларимизни экспорт қилиш бўйича шартномалар имзоланди. Ярмаркада фаолиятимизга қизиқувчилар янада кўпайди.

– Заводимиз Оҳангарондаги саноат зонасида жойлашган, – дейди “Premier electronics” корхонаси масъул ходими Жаҳонгир Ҳожиабдуллаев. – Ишлаб чиқариш тармоқларимизда 2 минг нафардан зиёд иш ўрни яратилди. Асосан, совитгич, телевизор, музлаткич, чангютгич ва кир ювувчи 10 хилдан ортиқ маиший техникалар ишлаб чиқарилади. Маҳсулотларимиз ички бозорда харидоргир. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида сервис хизматлар кўрсатувчи ва савдо дўконларимиз мавжуд. Тожикистон, Қозоғистон, Афғонистон, Қирғизистон давлатларига экспорт йўлга қўйилган. Мазкур ярмаркада ҳам ўз тақдимотларимизни ўтказдик.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ярмарка якуни бўйича жами 600 миллиард сўмга яқин шартномалар тузилган.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

Қонун ва ҳаёт

КАДАСТР АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ МУРОЖААТИ



Шу йил 8 ноябрдан миллионлаб юртдошларимиз кутган “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги Қонун кучга кирди.

Узоқ йиллар давомида ўзи яшаб келаётган уйини расмийлаштириб олишни ният қилиб юрган ҳалол инсонлар кўп аммо, вазиятдан фойдаланиб, ноқонуний йўллар билан даромад қилишни режа қилиб юрган «уддабуронлар» ҳам йўқ эмас.

Сизларни бундай нопок кимсаларнинг ҳар қандай сўзлари ва ваъдаларига ишонмасликка чақираман!

Биринчидан, маҳаллалар аниқ тасдиқланган режа-график асосида хатловдан ўтказилади. Бири қолиб иккинчисига ўтилмайди, яъни халқ тили билан айтганда “тезлаштириб беришнинг имкони йўқ!”.

Иккинчидан, хатловдан кейин «ЭЪТИРОФ» дастурига киритилган ҳар бир ҳолат бўйича 15 дан ортиқ вазирлик ва идоралар хулосаларини беради ҳамда космик суратлар ёрдамида таҳлил қилинади. Халқ тили билан айтганда “иложини қилиб ўтказиб бўлмайди!”.

Учинчидан, хатлов жараёнида қонун билан аниқ белгилаб берилган 8 та тоифага кирувчи ҳолатлар ўрганилади. Ҳозирда эгаллаб олиб, қурилиш қилиб қонунийлаштириб олишни режа қилаётганлар жавобгарликка тортилади ва бу ишлар ҳам ахборот тизимлари орқали назорат қилинади. Халқ тили билан айтганда “таниш-билиш ўтмайди!”.

Ҳурматли юртдошлар!

Ҳар қандай ҳолатда ҳам фирибгарлик, тамагирлик ёки коррупция ҳолатларига дуч келсангиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар беринг.

Мазкур Қонуннинг адолатли ва самарали ижро этилиши барчамизга бирдек боғлиқ эканлигини ёддан чиқармайлик.

Фаррух ПЎЛАТОВ,
Кадастр агентлиги директори

ЯШНАЁТГАН ЮРТНИНГ “ЯШИЛ БЕЛБОҒ”ЛАРИ


Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси мамлакатимизда экологик вазиятни янада яхшилаш ҳамда иқлим ўзгаришларига қарши таклиф этилган эзгу ташаббус бўлди. Лойиҳага кўра, юртимизда яшил масканлар, истироҳат боғлари, саноат ҳудудларида ташкил этилаётган “яшил белбоғлар” қанча кўп бўлса, экологик муҳит шунча яхшиланади.

Сўнгги йилларда вилоятимизда ҳам аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш, яшил майдонларни кенгайтириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Биргина, 2023 йилнинг куз ва баҳор ойларида вилоятнинг 22 туман ва шаҳарларида 18 млн. 670 минг туп иқлим шароитига мос мевали ва манзарали дарахтлар, бута кўчатлари экилиб, режа ортиғи билан бажарилган эди.

Жорий йил баҳор мавсумида эса “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида вилоятда 10 млн. 106 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш режаси амалда 111 фоизга бажарилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: экилган кўчатлар қаровсизликдан қуриб қолмаяптими? Ҳудудга биноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш, импортни оптималлаштириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони 1 минг 700 тани ташкил этади.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



Хусусан, 2024 йил якуни билан 125 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши кутилмоқда. Шундан 116 таси янги лойиҳалар, 60 таси мавжуд ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ҳисобига янги маҳсулотлар ўзлаштирилди.

Вилоятда сўнгги уч йилда маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми 759 миллиард сўмдан 3,9 триллион сўмга, қарийб беш баробарга ўсган.

Икки кунлик тармоқлараро саноат ярмаркасининг ўзига хос томони шунда бўлдики, қатнашчилар Тошкент вилояти ва мамлакатимизнинг истиқболли маҳсулотлари билан тўлиқ танишишди.

– Ярмаркада “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти таркибидаги 10 дан ортиқ корхоналар 300 турдан зиёд маҳсулотларини намойиш қилишди, – дейди ташкилот бўлим бошлиғи Абдуҳамид Саломов. – Хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан кооперация шартномаларини тузиш бўйича келишувлар имзоладик.

– Корхонамиз 2023 йили иш фаолиятини бошлаган, – дейди Олмалиқ қуюв механика заводи раҳбари Ҳусайн Ширинов. – Ҳозирда 172 иш ўрни яратдик. Бизда асосан оғир тоғ-кон саноати техникалари учун 40 турдан зиёд импорт ўрнини босадиган эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади. Улар асосан ОКМК тизимидаги корхоналарга етказиб берилмоқда. Шу билан бирга, Россия, Беларусь, Қозоғистон каби давлатлардаги ҳамкорларимиз билан маҳсулотларимизни экспорт қилиш бўйича шартномалар имзоланди. Ярмаркада фаолиятимизга қизиқувчилар янада кўпайди.

– Заводимиз Оҳангарондаги саноат зонасида жойлашган, – дейди “Premier electronics” корхонаси масъул ходими Жаҳонгир Ҳожиабдуллаев. – Ишлаб чиқариш тармоқларимизда 2 минг нафардан зиёд иш ўрни яратилди. Асосан, совитгич, телевизор, музлаткич, чангютгич ва кир ювувчи 10 хилдан ортиқ маиший техникалар ишлаб чиқарилади. Маҳсулотларимиз ички бозорда харидоргир. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида сервис хизматлар кўрсатувчи ва савдо дўконларимиз мавжуд. Тожикистон, Қозоғистон, Афғонистон, Қирғизистон давлатларига экспорт йўлга қўйилган. Мазкур ярмаркада ҳам ўз тақдимотларимизни ўтказдик.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ярмарка якуни бўйича жами 600 миллиард сўмга яқин шартномалар тузилган.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар



Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси мамлакатимизда экологик вазиятни янада яхшилаш ҳамда иқлим ўзгаришларига қарши таклиф этилган эзгу ташаббус бўлди. Лойиҳага кўра, юртимизда яшил масканлар, истироҳат боғлари, саноат ҳудудларида ташкил этилаётган “яшил белбоғлар” қанча кўп бўлса, экологик муҳит шунча яхшиланади.

Сўнгги йилларда вилоятимизда ҳам аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш, яшил майдонларни кенгайтириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Биргина, 2023 йилнинг куз ва баҳор ойларида вилоятнинг 22 туман ва шаҳарларида 18 млн. 670 минг туп иқлим шароитига мос мевали ва манзарали дарахтлар, бута кўчатлари экилиб, режа ортиғи билан бажарилган эди.

Жорий йил баҳор мавсумида эса “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида вилоятда 10 млн. 106 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш режаси амалда 111 фоизга бажарилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: экилган кўчатлар қаровсизликдан қуриб қолмаяптими? Ҳудудга биноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш, импортни оптималлаштириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони 1 минг 700 тани ташкил этади.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Хусусан, жорий йилнинг 30 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлиб ўтган навбатдаги парламент эшитувида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири Азиз Абдуҳакимов «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида атроф-муҳит муҳофазасига доир аниқ вазифалар белгиланган, Юртбошимиз томонидан экологик муаммолар ечимига қаратилган қатор қарор ва фармонлар қабул қилинганини алоҳида таъкидлаган эди.

ташкилот масъул ходимларига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг тегишли моддаларига асосан қонуний чоралар кўрилди.

Шунингдек, инспекторлар томонидан вилоят ҳудудларидаги корхона ва ташкилотларга дарахтлар қуриб қолмаслигининг олдини олиш ва агротехник қоидаларни ўз вақтида амалга ошириш мақсадида 500 дан ортиқ мажбурий кўрсатмалар берилди. Жумладан, лойиҳа доирасида 2024 йилнинг куз мавсумида вилоятнинг 22 та туман-шаҳар ҳудудларига 6 млн. 82,6 минг туп кўчат экиш кўзда





туманида 363,2 минг, Пискент туманида 380 минг, Паркент туманида 414,1 минг, Қибрай туманида 364,1 минг, Зангиота туманида 364,9 минг, Қуйи Чирчиқ туманида 405,2 минг ҳамда Юқори Чирчиқ туманида 365,8 минг туп манзарали ва мевали дарахт кўчатларини экиш режалаштирилган.

Яна бир гап. Покизалик бор жойда барака бўлади, дейди ота-боболаримиз. Шундай экан, атроф-муҳит тозалиги, ободлигини муҳофаза қилиш барчамиз учун бирдек масъулиятли вазифага айланмоғи лозим. Шу сабабли, бошқармамиз инспекторлари томонидан белгиланмаган жойларга чиқинди ташламаслик юзасидан аҳоли орасида тез-тез тушунтириш тадбирлари ўтказилади. Шунга қарамай, гоҳида кўз ўнгимизда номақбул ҳолатларнинг содир бўлаётгани дилни хира қилмоқда. Энг ачинарлиси, айримлар ободончилик бошқармаси ишчи-хизматчиларининг меҳнатини қадрламай, хонадонидан чиққан чиқиндиларни махсус идишларга эмас, йўл четларига улоқтириб кетадилар. Ўтган давр мобайнида бошқармамиз ходимлари ўтказган назорат рейдларида белгиланмаган жойларга чиқинди ташлаш ҳолатлари билан боғлиқ 1 минг 938 та ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, уларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг тегишли моддаларига асосан баённомалар расмийлаштирилган.



Айни пайтда вилоят ҳудудида 15 та маиший чиқинди полигони мавжуд бўлиб, шундан 12 таси фаолият юритиб келмоқда. Ушбу полигонларга бугунги кун ҳолатига 9 млн. 99 минг 775 тонна маиший чиқиндилар жойлаштирилган.

Бундан ташқари, Юқори Чирчиқ туманида жойлашган 20,6 гектар ер майдонидаги қурилиш чиқиндилари полигонига 411 минг 410 тонна чиқиндилар олиб кирилиб, шундан 174 минг 850 тоннаси саралаш усулида қайта ишланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги “Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида корхона ва ташкилотларга ҳудудида чиқинди қутиларини ўрнатиш лозимлиги тўғрисида 1 минг 76 та мажбурий кўрсатма хатлари тарқатилган. Ҳозирда 1 минг 311 дона чиқинди қутилари ўрнатилган.

Шунингдек, ҳудудларда ўтказилган назорат тадбирларида ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш бўйича 244 та, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш борасида 1 минг 694 та, сув ва сув объектларини муҳофаза қилиш бўйича 146 та, ерларни муҳофаза қилиш борасида 47 та, ер ости бойликларини муҳофаза қилиш бўйича 48 та ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, уларга нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштирилган.

Мухтасар айтганда, инсон табиатнинг бир бўлагидир. Уларнинг иккисини айро тасаввур қилиб бўлмайди. Бу муносабат бузилса, аянчли оқибатлар юзага келиши мумкин.

Статистик маълумотларга кўра, ер юзидаги инсонларни бир йил кислород билан таъминлаш учун 76 триллион доллар керак бўлар экан. Дарахтлар эса бу вазифани бепул бажаради. Шундай экан, юртимизнинг “яшил белбоғ”ларини асраб-авайлаш, Она табиатни, наботот дунёсини сақлаш ва уни келажак авлодга етказиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Барҳаёт МЕЛИЕВ,
Тошкент вилояти Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси бошлиғи

“Тошкент ҳақиқати” йўқлови

Бир муддат аввал атоқли давлат ва жамоат арбоби, академик Оқил Салимов қабулида бўлдим. У киши билан суҳбат одатдагидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида барча соҳаларда муваффақият билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида борди.

Халқ ҳаёти – энг катта мактаб



Устоз ислоҳотлар рисоладагидек амалга оширилишида юртимиздаги тинчлик, осойишталикнинг аҳамияти ва бундай ҳаётни таъминлашда ички ишлар идораларининг роли беқиёс эканлигини уруғулар экан, генерал-полковник Зокиржон Алматов ҳақида кўп яхши гапларни ёдга олдилар...

Дарвоқе, яқинда Президентимиз фармонига кўра Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси унвони билан тақдирланган Ички ишлар вазирининг маслаҳатчиси Зокиржон Алматов чиндан ҳам юртимиздаги тинчлик-осойишталикнинг барқарорлигига кўп хизмати сингган заҳматкаш инсондир.

Зокиржон Алматовни эса Зангиота (собиқ Калинин) тумани партия қўмитасида ишлаган пайтим – 1974 йилдан биламан. У пайтда ёшгина лейтенант йигит туман ички ишлар бўлимида хизмат қилар эди. Ўша пайтда у киши билан бўлимда бирга ишлаган, кейинчалик партия, касаба уюшмалари етакчиси бўлган Малика Жалилованинг ҳикоя қилишича, З.Алматов бошқа ходимлардан қатъийлиги, тиришқоқлиги, ташкилотчилик қобилияти билан ажралиб тураркан.

Ўтган йиллар давомида З.Алматов оддий ходимликдан мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Ички ишлар вазиригача, лейтенантликдан генерал-полковник унвонигача бўлган йўлни босиб ўтди. Яъни, унинг ички ишлар идораларидаги фаолиятининг 30 йили XX асрга тўғри келди ва XXI асрда ҳам давом этмоқда. Бу мураккаб йиллар эди. Эслайман деса, гап кўп. Шунинг учун ҳам кўпни кўрган бу инсон хотиралар китобини ёзишга жазм этган бўлса, эҳтимол.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобожонов китоб сўзбошисида шундай ёзади:

“Президентимиз Ш.М.Мирзиёев: “Барчамиз учун халқимиз ҳаёти энг катта мактаб эканини ҳеч қачон унутмайлик. Шу мактабда билим олиб, тобланиб, эл-юрт манфаатлари учун курашиб яшаш – бу энг олий саодатдир”, деб таъкидлайдилар. Шу маънода, Зокиржон Алматов ҳам бир умр халқ манфаатлари йўлида ҳалол хизмат қилган, ҳаёт мактабида тобланиб, элда обрў-эътибор қозонган ва бугун меҳнати ортидан саодат топган инсонлардан, деб айтсак бўлади. Бу инсоннинг ички ишлар идораларидаги машаққатли хизмат фаолияти келгусида яна кўплаб китоблар ва илмий рисолалар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Зеро, бой ҳаётий тажрибаси, чуқур билим ва улкан салоҳияти билан ёшларга бугунги кунда ҳам ўрнак бўлиб келаётган, эл ардоғидаги инсон генерал-полковник Зокиржон Алматовнинг умр йўли чин маънодаги матонат мактабидир.”

З.Алматов Президентимиз Шавкат Мирзиёев қўлидан «Буюк хизматлари учун» орденини олганлигини катта миннатдорлик ва мамнунлик билан эслайди…

Китобда Бўка ва Паркент туманларидаги, Наманган ва Андижондаги, талабалар шаҳарчасидаги, 1999 йил 16 февралдаги Тошкент воқеалари холис ва очиқ баён этилган.

Шунингдек, давлат ва жамоат арбоблари бўлган Исмоил Жўрабеков, Георгий Крайнов, Убайдулла Мингбоев, Ғафур Раҳимов, Бўритош Мустафоев ва бошқалар ҳақида ёзилган хотиралар ўқувчида катта қизиқиш уйғотади.

Муаллиф, айниқса, Маккага зиёрати ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилади:

«Астойдил эътиқод қилган, нияти холис бўлган кишиларнинг ишини Яратганнинг ўзи ўнгидан келтириб қўяди, дейишгани нақадар тўғри эканлигига ўшанда яна бир бор амин бўлгандим. Икки дўст ўша куниёқ Умра амалларини бажаришга киришдик. Муқаддас Каъба атрофида айланиш ва уни тавоф қилиш чоғида минглаб одамлар орасида бизга ҳам осонгина Ҳажарул-асвад тошига пешонамизни теккизиш насиб этди.

Ибодатларимиз чоғида Аллоҳдан биринчи галда юртимизда тинчлик, осойишталикнинг бардавом бўлишини, давлатимиз равнақ топиб, халқимиз фаровон яшашини, ундан кейин эса оила аъзоларимиз соғ-саломат бўлиб юришларини сўрадик.»

Ўтган йилларни хотирлар экан, Зокиржон Алматов бўлиб ўтган воқеаларга бугунги кун, жамият, халқимиз манфаатлари нуқтаи назаридан туриб баҳо беради. Бу, ўз навбатида, хотираларнинг ижтимоий аҳамиятини янада оширади.

Китобни ўқир эканмиз, муаллиф тафаккури, хулосалари, ўй-хаёллари билан танишамиз. Унинг юксак маданият, кучли маънавият эгаси эканлигини англаймиз.

2023 йил июнь ойида Ички ишлар вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгаши тузилди. Айни пайтда З.Алматов ушбу кенгаш аъзолари билан ҳамкорликда фаол иш олиб бормоқда.

Китоб сўнгида муаллиф шундай ёзади:

“Ҳаётим бир текисда ўтмади. Қанча қийинчиликларни бошдан ўтказдим. Гоҳида хатоларга ҳам йўл қўйдим. Ахир, ҳаммамиз ҳам хом сут эмган бандамиз... Халқимиз “Хато қилмоқ бордир, тузатмаслик ордир”, деб жуда тўғри айтган. Хуллас, хато қилган пайтим ҳам бўлди. Аммо буни ўз вақтида англаб етдим, бошқа такрорламадим.

Энг муҳими, виждонимга, бурчимга, халқимга, Ватанимга ҳеч қачон хиёнат қилмадим. Халқ ишини ҳақ иш деб ҳисобладим. Ҳалолликни, фидойиликни ҳамиша шиорим деб билдим. Балки, ҳаётда йиллар, замонлар ўтиб, кўп қадриятлар ўз қадрини йўқотар. Лекин ҳалоллик, адолатпарварлик, жасорат, қаҳрамонлик, фидойилик, садоқат каби қадриятлар ҳеч қачон ўз қадрини йўқотмайди. Умрим китобини варақлаб, ўзим кўрган, бошимдан ўтказган турфа воқеаларни таҳлил қилиб, ана шундай хулосага келдим. Сиз ҳам шу хулосамга қўшилишингизни жуда-жуда истардим, азиз китобхонлар...”

Дилдан чиққан бу сўзлар мақоламизга ҳам муносиб якун бўла олади.

Носир ТОИРОВ,
Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси аъзоси

Тақдимот

“Меҳрнома”

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Журналистика факультетида таниқли журналист ва публицист Икромжон Ўтбосаров ҳаёти ва ижодига бағишланган “Меҳрнома” китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.



Унда таниқли адиб ва шоирлар, республикамиздаги етакчи нашрлар муҳаррирлари, унинг сафдошлари ҳамда шогирдлари ва талаба-ёшлар иштирок этишди.

Икромжон Ўтбосаров Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист унвони ва “Шуҳрат” медали билан тақдирланган, “Олтин қалам” танлови совриндори бўлган. Кўп йиллар “Қишлоқ ҳаёти” ва “Халқ сўзи” газеталари иқтисодиёт бўлими муҳаррири сифатида самарали фаолият юритган.

Кечада ёзувчи Ҳаким Сатторий “Меҳрнома” китобининг яратилиши ҳақида тўхталиб: “Китобни тайёрлашда фарзандлар ғайрат қилишди. Ташаббус кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланди. Кимгаки, мақсаднинг моҳияти изҳор қилинса, “Бажонидил, Икромжон ака ҳақида айтадиган гапларимиз бор, бу биз учун фарз” қабилида жавоб бўлди. Мазкур китоб баҳонасида қўлига қалам олган дўстлар, қариндош-уруғлар, шогирдлар, яқинлар бир нарсани умумий эътироф этишди: “Хотира нисбий экан. Вақт ўтиши билан таассуротлар унутилиб бориши табиий экан. Китоб яратилишига ҳисса қўшган барчага катта раҳмат. Шу баҳонада кўп гаплар қоғозга тушиб қолди. Энди улар келажак мулкига айланади. Мазкур мажмуани панднома китоб ҳам дейиш мумкин. Зеро, у етук мутахассис бўлишга интилаётган ёшлар учун ҳам қимматли манба бўла олади”, деди.

Шунингдек, ижодий кечада китоб ҳаммуаллифларидан бири Сайидолим Ҳайдаров устози Икром Ўтбосаровнинг касбига садоқати, шогирдларига меҳрибонлиги, оилапарварлиги ҳақида сўзлаб берди.

Якунда “Масс-медиа муаммолари” мавзусида қизғин баҳс-мунозара бўлди. Унда бугунги ўзбек матбуотининг ютуқ ва камчиликлари, мавжуд муаммолар ечими борасида фикрлар билдирилди.

Меҳриддин ИБРАГИМОВ,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири

Дарвоқе

Бемор ҳам, беор ҳам – ўзимиз



Дунёдаги энг чидамли мавжудот инсон бўлса, энг бетоқати ҳам ўзимиз!

Дейлик, тишимиз қаттиқ оғриб қолса “Ҳозир ўтиб кетади...” билан ўзимизни овутамиз. Бу оний лаҳза эҳтимол ярим соат давом этади. 31-дақиқадан бошлаб даво ёки давокор қидиришни бошлаймиз... Қаттиқ безовта қилиб турган дард ҳам мутахассис томонидан тўғри ташхис қўйилиб, буюрилган битта укол ёки таблетка орқали анчайин “тин олади”.

Яқинда каминанинг бошини ҳам бир-иккита бетайин оғриқлар “силаб ўтди”. Маст одамдай гандираклаб юравердим. Ахийри, кун кеч бўлиб, кўчадаги вирусларнинг ҳаммаси “уй-уйларга кириб, инсонларга топинганда” дард зўрайиб кетди, иситма баландлади. Ланжлик ва иштаҳасизлик тинкамни қуритди. Бир ўзим чиқишга юрагим бетламай, ҳамроҳликка акамни шерик қилдим. Бирма-бир ўзимиз билган шифокорлар эшигини қоқа бошладик. Бири у ёққа кетган, бири бу ёққа.

Бу орада кечки совуқ қўзғалиб, бор қишки уст-бошимнинг ҳаммаси эгнимда бўлса-да, совқотиш, титроқ зўрайса зўраярдики, тўхтамас эди. Бир пайт акамнинг чеҳраси ёришиб, кўзида момақалдироқ чарсиллагандай бўлди. “Фалончи дўстимга борамиз”, деди фавқулодда қарор қабул қилиб.

Қарангки, шифокорнинг ташхисига кўра, 4-5 та малҳам қўшилган 2 дона “осмаукол” томчи-томчи бўлиб қонимга қўшила бошлади. Худонинг қудрати билан ярим соатдан сўнг иситмам босилди. Ланжликлар кўтарилиб, танимга қувват кирди. “Умриздан барака топинг”, дедим шифокорга.

Уйга қайтарканмиз, машинадаги радиода ажиб қўшиқ янграй бошлади. Севимли санъаткорим Ортиқ Отажонов:

“Сиз шифокорларни мен
Ҳар дардга дармон билмишам.
Меҳрибон, жондан азиз
Ҳурматли инсон билмишам”,

дея куйларди.

Бирам мириқиб эшитдимки, то уйга етиб келгунча соғайдим-қолдим. Қўшиқда айтилгани:

“Номингизни Орифий
Мўъжизакор деб мадҳ этар...”

сўзлари маъносини таҳлил қила бошладим. Бирам кўп маъно чиқдики...

Аллоҳнинг марҳамати билан уларга берилган билим ва истеъдод қанча дардманд дардига дармон бўлиб келмоқда. Хўп, мен шамоллабман, бошқа, оғир дардга чалинганлар-чи? Бундай хасталикларга чалинган инсонларга шифокорлар кўмак бермаса, аҳволлари оғирлашиши аён-ку?! Тафаккур қилиб, Юртбошимиз шифокорларга ўзгача эътибор ва меҳр кўрсатишлари жуда ўринли бўлаётганини тушундим. Бугунги – иқлим нормативи бузилиб, турли вируслар биз билан ҳамнафас яшаб турган қалтис бир вазиятда бу соҳа вакилларининг қадри жуда баланд!

Билмаганга уқтириб бўлмайди, деганларидек, шифокорлар билан жанжаллашиб, тортишиб, кўнглини хира қилиб кетадиган “беморлар” ҳам афсуски, топилади. Айримлар “Дориларинг қиммат экан...”, “...Сенларда инсоф борми?”, “Одамнинг ҳаёти билан ўйнашмаларинг, биринчи мени даволайсан”, “Устиларингдан арз қиламан” каби турли туҳматона сўзлар билан шифокорларнинг дилини хуфтон қилишади.

Шифокорга ким боради – жонидан ўтган боради. Карантин пайтида бўлган бир ҳолат ҳалигача мени ўйлантиради. Телевизорда кўрсатишяптики, касаллик кўпайиб, тез ёрдам машинаси анқонинг уруғи бўлиб қолган синовли даврлар. Кекса отахон тез ёрдамга телефон қилиб: “Тез келмасанглар ўлиб қоламан, аҳволим жуда оғир”, дея манзилни айтади. Тез ёрдам келиб, не кўз билан кўрсинки, бобо бамайлихотир телевизор кўриб ўтирибди. Навбатчи шифокорнинг: “Ота, касал қани?” деган саволига: “Болам, энди-и-и-и, айбга буюрма, бир ўзим зерикиб қолдим, бир ҳамсуҳбат керак эди, шунга сенларни чақирган эдим”, дея жавоб беради.

Ақлий нуқсони бор инсон бўлса-ку тушунарли. Лекин... бу ҳолатда соппа-соғ, ёши улуғ одамнинг қилиғини кўриб, ачиндим. Ўша бемаъни чақирувга кетган вақтда бошқа бир беморнинг ҳаёти сақлаб қолинармиди?

Шундай одамларга инсоф сўрар эканман, шифокорларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Моҳирбек ҚЎЧҚОРОВ,
журналист

Жараён

ОКМК: Режа муддатидан аввал бажарилди



Олмалиқ кон-металлургия комбинати томонидан маҳсулотлар экспорти прогнозлари муддатидан аввал бажарилишига эришилди.

Жумладан, 2024 йил январь-октябрь ҳолати бўйича прогноз 118,3 фоизга бажарилиб, 535 млн. 917 минг долларлик маҳсулот экспорти амалга оширилди. Эътиборли жиҳати, 11 ойга белгиланган прогноз 10 ойда бажарилди. (11 ой учун 501 млн. 645 минг долларлик маҳсулот экспорти кўзда тутилган эди.)

Маълумот учун, 2024 йилда ОКМК олдига 550 млн. долларлик маҳсулотлар экспорт қилиш прогнози белгиланган. Комбинатнинг Сотиш ва металлургия хом ашёларини етказиб бериш бошқармаси масъулларининг маълум қилишича, жорий йилнинг 15 ноябрь кунига қадар йиллик экспорт прогнози муддатидан аввал бажарилиши кутилмоқда. 2024 йилнинг 10 ойида хорижга 46 минг 543 тонна мис маҳсулотлари юборилиб, ушбу йўналишда прогноз 144,5 фоизга адо этилган.

Жумладан, рений (115 фоиз), мис купороси (150,2 фоиз), молибден маҳсулотлари (105 фоиз), қўрғошин концентрати (111,6 фоиз) экспорти прогнози ортиғи билан бажарилган. Бундан ташқари, рух, кадмий, палладий кукуни каби маҳсулотлар экспортида ҳам ўсиш суръатига эришилган.

Айтиш жоизки, йилдан-йилга ОКМК экспорт географияси кенгайиб бормоқда. Ҳозирда комбинат маҳсулотлари 19 та давлатга экспорт қилинмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда хом ашёдан юқори қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Юртимизда қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш жадал ривожланиши натижасида ички бозорда мисга бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Шунингдек, комбинатда қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

ОКМК Ахборот хизмати

ЖИМ ТУРИШ ҲАМ ЖИНОЯТГА ШЕРИКЛИКДИР



Коррупция ҳар қандай давлат ва жамиятнинг барча соҳалари ривожланишига жиддий путур етказади, тараққиётни бўғиб, давлатни ич-ичидан емириб боради, ҳуқуқ ва манфаатлар бузилишига сабаб бўлади. Бугунги кунда бутун жаҳон миқёсида ушбу жиноятга қарши курашиш энг долзарб масалалардан бирига айланган. Айни пайтда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишнинг барча ҳуқуқий асослари яратилган. Бу борада ҳар биримиздан ҳушёрлик ва масъулиятлилик талаб этилади.

Коррупция – шахснинг ўз мансаб ва хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланишидир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда бу иллатга қарши курашиш, унинг келиб чиқишига шароит яратиб бераётган омилларни бартараф этиш, олдини олиш, таг-томири билан йўқ қилиш учун жиддий саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Хусусан, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун ва унинг асосида бир қатор қонуности ҳужжатлар қабул қилиниб, ижрога қаратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фуқароларимизда фаоллик кузатилмаса, коррупция ҳуқуқбузарликлари, тамагирлик ҳолатлари ҳақида тегишли идоралар огоҳлантирилмаса, бу иллатдан қутулиш қийин. Айрим шахсларнинг коррупцияга қўл уриши натижасида ҳалол ва ўз соҳасида содиқлик билан хизмат қилиб келаётган ходимларнинг ҳам номига доғ тушаётгани ачинарли ҳолдир.

Очиғи, ҳар қандай кўринишдаги коррупциянинг содир этилишига ўзимизнинг бефарқлигимиз, лоқайдлигимиз сабаб бўлмоқда. Негаки, ҳар бир фуқаро коррупция жиноятларига гувоҳ бўлганида бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши лозим. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот бераётган шахсларнинг давлат ҳимоясида бўлиши кафолатланган ҳамда бу тўғрисида ахборот бераётган шахсларни таъқиб этиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланган (“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддаси).

Шундай экан, барчамиз коррупциянинг ҳар қандай кўринишига қарши курашишни аввал ўзимиздан бошлашимиз, бунга қарши маънан ва ҳуқуқий тайёрланишимиз, бу иллатнинг жамиятимиз келажаги учун хавфлилик даражасини тушуниб етишимиз зарур. Яъни, ҳар бир шахс ўзининг жамиятдаги ўрни, хатти-ҳаракати қанчалик муҳим аҳамиятга эгалигини тушунганида ва ўзида масъулият ҳис этган ҳолдагина коррупцияга қарши курашишда самарали натижага эришса бўлади.

Демак, фуқаролар ўз ҳуқуқларини тўлақонли амалга ошириши, уларнинг бузилишига йўл қўймаслиги, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларига бефарқ қарамаслиги, адолатсизлик бўлаётган пайтда шароитга индамай кетмаслиги ва ўзининг мажбуриятларини сидқидилдан бажариши орқали нафақат коррупцияга, балки ҳар қандай жиноятга қарши курашиш имкони юзага келади.

Нуритдин НИЁЗОВ,
«Мадад» ННТ Нурафшон шаҳар Ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси



БАРҚАРОР ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ

Президентимиз ҳар бир йиғилишларида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган устувор вазифа ва мақсадли параметрларни бажариш ҳолатини муҳокама қилиб, қўшимча резервларни ишга солиш чораларини кўришни ва янги корхоналарни қуриш ва кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва инфратузилмани ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, инфляция ва нархларни жиловлаш ҳамда ни ишлаб чиқариш лойиҳасини ишга тушириш ҳисобига 60 га яқин иш ўринлари яратилди.

Йилнинг тўртинчи чорагида 413,1 млрд. сўмлик 18 та лойиҳанинг ишга тушириш ҳамда 904 та иш ўрни яратиш белгиланган. Жорий йилнинг сўнгига қадар яна 134,8 млрд. сўмлик 6 та лойиҳани ишга тушириш ҳамда 571 та иш ўрни яратиш режалаштирилган.

ФАРОВОНЛИК САРИ

Ҳар ким бу дунёга бахтли-саодатли яшаш учун келади, фаровон ҳаёт кечирсам, турмушда кам-кўстим самарали усули аҳоли бандлигини таъминлаш, уларга муносиб ва даромади юқори иш ўринларини яратишдир. Шунинг учун “Аҳолини иш билан таъминлаш” дастурига асосан туманимизда 2024 йил 42 минг 143 та иш ўрни яратиш белгиланган бўлиб, ҳозирга қадар 29 минг 570 та иш ўрни юзага келди. Жумладан,

– инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш орқали 694 та;
– хизматлар соҳасида 14 минг 339 та;
– қишлоқ хўжалигида 14 минг 209 та;
– қурилиш соҳасида 328 та.

Бу натижаларга эришиш учун тадбиркорликка шарт-шароитлар, бизнес учун қулай муҳит яратиш лозим. Президентимиз таъбири билан айтганда, камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий, ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир.

Янгийўл ва ЯНГИ МАНЗИЛЛАР

Сўнгги йилларда республиканинг барча нуқталарида бўлгани каби туманимизда ҳам кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Уларнинг самараси одамларнинг турмушида акс этмоқда. Шу билан бирга, ҳали ечимини топмаган муаммолар, халқимизни қийнаб келаётган масалалар ҳам талайгина. Айниқса, коммунал соҳа (электр энергияси, табиий газ, тоза ичимлик суви)даги узилишлар, йўл ва маиший инфратузилмадаги муаммолар, ишсизлик, боқимандалик каби масалалар борки, уларни бартараф этиш учун ҳали анча иш қилиниши, қатъий чоралар кўрилиши керак. Бу жараёнда барча ўзгаришларни ҳар биримиз, аввало, ўзимиздан бошлашимиз лозим.

ДАДИЛ ОДИМЛАР

Президентимизнинг жорий йил 14-15 октябрь кунлари Тошкент вилоятига қилган ташрифлари чоғида туманимиздаги “Тинчлик” кичик саноат зонасидаги қатор корхоналар фаолияти билан танишиб, “Бундай юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқараётган маҳаллий корхоналаримизни қўллаб-қувватлаб, фаолиятини кенгайтиришига янада кўпроқ шароит яратишимиз керак”, дедилар.

Дарҳақиқат, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда бу каби мажмуаларнинг аҳамияти катта. Мазкур саноат зонаси тўрт йил олдин ўттиз олти гектар майдонда ташкил этилган эди. Муҳандислик инфратузилмаси, ички йўллар ва бинолар қурилиб, ишлаб чиқариш учун қулай шароит яратилди.

Бу ерда қурилиш материаллари, енгил саноат, озиқ-овқат тармоқларида ўн бешта лойиҳа жойлаштирилган бўлиб, шундан ўнтаси ишга туширилган. Уларда ўтган йили 295 миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Жорий йил якунлари бўйича бу рақамни қарийб икки бараварга кўпайтириш режа қилинган. Ҳозирча бу корхоналарда 1,5 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Барча лойиҳалар ишга тушиши ортидан мазкур рақамлар ҳам сезиларли даражада ўзгариши шаксиз.

Саноат зонасидаги “Enter Steel” корхонасида металл конструкциялар, юқори босимга чидамли резервуарлар, юк кўтарувчи кранлар, бурғулаш ускуналари, пайвандлаш электродлари, металл эшик, электр қутилар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, лойиҳанинг қиймати 40 миллион долларни ташкил этади ва унга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар йўналтирилган. Ускуналар эса Хитой, Япония, Россия, Туркия, Италия, Испания, Германия ва Нидерландия каби давлатлардан келтирилган. Бу эса маҳсулотлар сифати ва иш унумдорлиги юқори бўлишига хизмат қилмоқда.

Корхонада жами 1 минг 500 нафар фуқарони иш билан таъминлаш имкони мавжуд. Зарур мутахассисларни тайёрлаш учун “Амалий мономарказ” ҳам ташкил этилган. Ўқув хоналари ва лабораториялар замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Таълим дастури эса Тошкент давлат техника университети билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган.

Шунингдек, зонада “яшил” энергетика манбаларига ҳам кенг ўрин берилган бўлиб, “Enter Green Solar” корхонасида бунинг учун зарур қуёш панеллари ҳамда турли хил кабеллар ишлаб чиқарилмоқда. Албатта, давлатимиз раҳбари саноат зонасига ташрифи чоғида мазкур лойиҳа билан ҳам танишди. Умумий қиймати 7 миллион доллар бўлган корхонага Италиянинг “Ecoprogetti” компанияси ускуналари ўрнатилган бўлиб, йилига 377 минг дона юқори сифатли қуёш панели ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Корхонанинг ўзида ҳам қуввати 125 киловатт бўлган панеллар ўрнатилган. Ҳозирда корхона фаолияти ортидан 100 нафар аҳолининг бандлиги таъминланган.

Ҳудуддаги “Mesal Water Technologies” корхонасида эса сув ва оқова сув тизимларини реконструкция қилиш ва қуриш” лойиҳаси доирасида сув тозалаш иншоотларини реконструкция қилиш учун керак бўладиган ўттиздан ортиқ махсус қурилма ва ускуналар ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу лойиҳага 1,7 миллион доллар маблағ йўналтирилиб, Хитой, Германия ва Туркиядан келтирилган энергия тежамкор технологиялар ўрнатилган. Корхона халқаро сертификатларга эга ва 50 кишини иш билан таъминлаган. Бундай субъектлар фаолиятининг кенгайиши аҳоли фаровонлиги ва саломатлигига ҳисса қўшиши шубҳасиз.









Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар



Дарҳақиқат, “Тинчлик” кичик саноат зонаси вилоятимиз иқтисодиётида ўзига хос ўринга эга. Бу ердаги корхоналарда маҳаллийлаштирилган, бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

одамларни иш билан таъминлашда аниқ ва тўғри йўналишларни белгилаётганликлари бизни янги-янги лойиҳалар устида бош қотиришга ундамоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, туманимизда кўплаб йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширдик ва жараённи давом эттирмоқдамиз. Ушбу устувор вазифалар ва фуқароларимизнинг ҳаётини янада яхшилаш юзасидан зиммамизга олган мажбуриятларни муваффақиятли бажаришимиз учун маҳаллий бюджетда қўшимча даромадни кўпайтириб, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудимизни ривожлантириш учун қабул қилинган инвестиция дастурларини изчил амалга оширяпмиз.

Жумладан, йил бошидан 100 млн. доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, учинчи чорак якуни бўйича бу 64,7 млн. долларни ташкил этмоқда. Амалда 21 та корхона ҳисобига 80,24 млн. доллар ўзлаштирилиб, режа 124 фоизга бажарилди.

Мисол учун, "Toshkentparranda" МЧЖ томонидан умумий қиймати 7 млрд. сўмлик паррандачилик фаолиятини ташкил этиш лойиҳасини ишга тушириш ҳисобига 100 га яқин, "Mert triko" МЧЖ томонидан текстиль ва трикотаж маҳсулотларини бўлмаса, деб орзу қилади, интиладди. Бу – табиий жараён. Аммо инсон оддий минимал яшаш шароитисиз бахт тугул, хотиржамликка ҳам эриша олмайди. Қандай қилиб бўлмасин, қорнимни тўйғазсам, эгнимни бутласам, бетоб ота-онам, хаста болам ёки касал хотинимга дори олсам, деган ўй-ташвишлар гирдобида турмуш кечирадиганларни ҳаётдан рози инсонлар, деб бўладими?

Ушбу муаммо нега энди кун тартибига чиқди? Унинг ечимлари қандай?

Бу борада ҳозирда “Камбағалликдан – фаровонлик сари” дастури илгари сурилиб, унда аҳолини ана шу вазиятдан олиб чиқиш учун зарур бўлган чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилди.

Туманимизда йил бошида камбағаллик даражаси 8,7 фоизни ташкил этган эди. Мазкур кўрсаткични яхшилаш мақсадида 4,3 мингта камбағал оилада хатлов ўтказилиб, шундан 665 тасини камбағалликдан чиқаришга эришдик. Ҳозирда 72 нафар раҳбарга 480 та камбағал оила бириктирилган бўлиб, йил якунига қадар жами 1 минг 125 та оила камбағалликдан чиқарилиши режалаштирилган. 2025 йил якунига қадар яратилаётган имкониятлар натижасида туманни тўлиқ камбағалликдан ҳоли ҳудудга айлантиришни мақсад қилганмиз.

Умуман олганда, камбағалликни бартараф этишнинг тўғри ва энг

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ – ЕТАКЧИ КУЧ

Туманда қишлоқ хўжалиги асосан сабзавот, полиз, кўкатлар, гул етиштириш, дуккакли маҳсулотлар ҳамда боғдорчиликка ихтисослашган. Шунингдек, чорвачилик, балиқчилик ва паррандачилик йўналишида юқори тажрибага эга тадбиркорларимиз бор.

Бу имкониятлардан фойдаланиш натижасида ўтган 9 ойда 80,3 млн. долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, ўтган йилга нисбатан 169,9 фоиз ўсишга эришилди.

Ҳудудда 24 минг 151 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар бўлиб, шундан 18 минг 709 гектари суғориладиган тоифада.

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари сони 811 тани ташкил этмоқда. Фермерлар далаларидан ташқари аҳоли хонадонларида етиштирилаётган маҳсулотлар пойтахт бозорларини тўлдириш билан бир қаторда, хорижга ҳам экспорт қилинмоқда.

2024 йил январь-сентябрь ойларида аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида агрокластерлар, фермерлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 15,6 мингдан ортиқ мавсумий иш ўринлари яратилди.

Туманимизда деҳқон хўжаликларини ташкил этиш учун 535 гектар ер майдонлари “E-auksion” савдо платформасига ижара асосида бериш учун чиқарилган бўлиб, унда 1 минг 444 нафар фуқаро ғолибликни қўлга киритди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми ўсиши билан бирга ёшларнинг бандлиги ҳам таъминланди.

ТАЖРИБАЛАР АМАЛДА

Аҳоли бандлигини таъминлашда давлатимиз раҳбарининг топшириқларига асосан йўлга қўйилган 4 туман тажрибаси ўз самарасини бермоқда. Хусусан, “Сайхунобод” тажрибаси асосида туманда 1 минг 674 та қиймати 49 млрд. сўмлик микролойиҳалар ишга туширилиб, 5 минг 22 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Бугунги қадар 1 минг 86 та микролойиҳаларнинг ишга туширилиши эвазига 3 минг 258 та янги иш ўрни яратилди. Йил якунига қадар ҳар бир маҳаллада микролойиҳалар ишга туширилиб, 5 минг 760 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

“Уйчи” тажрибаси асосида тижорат банкларининг мижозлари билан ишлаб, уларнинг муаммоларини ҳал этиш ва янги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали 4,4 мингга яқин янги иш ўринлари яратилиши белгиланган. Ҳозирга келиб 2 минг 957 та иш ўрни яратилди.

“Зарбдор” тажрибаси бўйича туманда мавжуд қўшимча захира ва имкониятларни аниқлаган ҳолда декабрь ойигача 5 та йирик лойиҳани амалга ошириш орқали йил якунига қадар 1 минг 50 та, “Ғиждувон” тажрибаси бўйича танлаб олинган маҳаллаларда 75 та лойиҳани амалга ошириш орқали эса вертикал ўсадиган саноат биноларини ташкил қилиш ҳисобига мингга яқин янги иш ўринлари яратилади.

Мухтасар айтганда, эртанги кунга ишонч, фидойилик, бирлик, аҳиллик ва меҳнат – мақсадларимизга эришишнинг бирдан-бир йўлидир. Президентимиз таъкидлаганларидек: “Ўз мақсадларимизга албатта етамиз – келажаги буюк Ўзбекистонни барчамиз биргаликда барпо этамиз!”

Одилжон АТАУЛЛАЕВ,
Янгийўл тумани ҳокими

TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI

“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalari tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)
Abdusamad NOSIROV
Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G‘afurjon MUHAMEDOV
Sirojiddin ESHQUVVATOV
Tohir ARIPOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Abdulla XURSANOV
Kumush EGAMBERDIYEVA
Behzod QOBULOV
Olimjon BEGALIYEV
Zarifa ERALIYEVA
Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G‘ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95
Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10
Mas’ul kotib:
(55) 520-05-10
Bo‘lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20
E'lonlar va hisob-kitob bo‘limi:
(55) 520-21-20
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Mas’ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Navbatchi:
Nozima RASULOVA

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.
Bosishga topshirildi - 20:30
Nashr ko‘rsatkichi - 205.
Buyurtma G-1135.
2 845 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog‘oz bichimi A–2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo‘li ko‘chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko‘chasi, 2.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo‘jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6